

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

Жорий йилнинг 22-февраль кунидаги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти “Ер ресурсларини бошқариш” факультетининг 1-босқич З-гурух талабалари гурӯҳ мураббийи бошчилигида Темурийлар тарихи давлат музейига саёҳат уюштирилди. Саёҳат мобайнода Темурийларга тегишли тарихий маълумотлар музей ходимлари томонидан қўйидағы таърифланди. Амир Темур Мовароуннаҳр сиёсий кураш майдонида, Амир Темурнинг Амир Ҳусайн билан иттифоқи, Уларнинг мўғул ҳукумдори Илёсхўжага қарши кураши, Лой жанги, Илёсхўжанинг Самарқандга юриши, Сарбадорлар харакати, Мўғулларнинг чекиниши, Ҳусайн ва Темурнинг Самарқандни эгаллаши, Улар ўртасида ўзаро низонинг кучайиши ва унинг сабаблари, Соҳибқирон Амир Темур ҳокимиятининг ўрнатилиши, Самарқанд – Амир Темур давлатининг пойтахти, Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И. Каримов Амир Темурнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни тўғрисида, XXI аср баркамол авлодини шакллантириш ва унинг таълим-тарбиясида Амир Темур шахсини тутган ўрни каби Соҳиб қирон Амир Темур бобомизга оид бўлган тарихий маълумотларга эга бўлинди. Талабалар бобомиз Амир Темур тарихига оид бир қатор маълумотларга эга бўлишиб, музейга ташриф чоғида қадимий пул муомала вазифасини ўтаган кумуш тангалар, қурол-аслаҳалар, сопол идишлари ва тарихий қўлёзмаларни кузатиш ва улар ҳақидаги маълумотларга эа бўлиш баҳтига мұяссар бўлишди.



ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Ҳ.Ҳ. Эшова ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов